



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 20 сентябрь, № 183 (6113)

Шанба

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕЛАР, ХАБАРЛАР

Тошкент вилоятидаги энгил саноат корхоналари сони жорий йилнинг биринчи ярмида 29 тага кўпайди. Бунга 2013 — 2015 йилларда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида тармоққа қарийб 22,7 миллиард сўмлик ҳамда 3 миллион 600 минг АҚШ долларлик сармоя жалб этилиши ҳисобидан эришилди.

Энгил саноат корхоналари 29 тага кўпайди

Ангрэн шаҳрида иш бошлаган "Alfredo textile" кўшма корхонаси — ана шулардан бири. Чет эллик ҳамкорларнинг 600 минг АҚШ долларлик тўғридан-тўғри сармояси ҳисобидан замонавий тикувчилик ва тўқимачилик дастгоҳлари билан жиҳозланган мазкур корхонада 120 нафар чевар учун доимий иш ўрни юзага келди. Уларнинг аксарияти бултур ва шу йили касб-хунар коллежларини тамомлаб, хунарни бўлган ёшлардир.

Уттиздан ортиқ моделдаги кийим-кечакларни тайёрлашда табиий толали матолардан фойдаланилаётгани уларнинг ташқи бозорда ҳам рақобатдошлигини таъминляпти. Шу боис янги корхона ўз маҳсулотларини, асосан, экспортга йўналтирмоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Сув саккиз босқичда филтрланади

Нукус шаҳридаги "Нукус мироб" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига бир йил бўлди. Утган давр мобайнида бу ерда ишлаб чиқарилаётган салқин ичимликлар ички бозорда ўз ҳаридорини топиб улгурди.

Корхона жамоаси эътирофича, ўзлаштирилган замонавий технология ютуқларнинг асосий омил бўлмоқда.

Банкнинг 750 минг АҚШ долларлик молиявий кўмаги эвазига келтирилган хорижий ускуналар бир қатор афзалликларга эга, — дейди корхона мутахассиси Мамут Каримов. — Тайёрланадиган

ичимликлар қадоқланганича мазкур технология орқали сув саккиз босқичда филтрланади.

Яқинда "Нукус мироб" ёрлиги туширилган маҳсулотлар тури яна кўпайиб, бу ерда 5 ва 19 литрлик идишларга ҳам ичимлик сувини қадоқлаш йўлга қўйилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Экспорт кўрсаткичлари ортди

Навоий шаҳридаги "Триумф горняк" масъулияти чекланган жамиятида ўтган йили амалга оширилган 600 миллион сўмлик модернизация қилиш тадбирлари натижасида ишлаб чиқариш суръати икки баробар ортди.

Вақолонки, амалдаги технологияда оҳак тайёрлаш учун кўп вақт ва ортиқча энергия сарфланган бўлса, янгилик киритилиши эвазига бу жараён уч марта қисқарди. Мухими, хориж ускуналари автоматлаштирилган бошқарув тизимига эгаллиги туфайли маҳсулотлар сифати янада ахшиланди. Бу эса чет эллик буюртмачилар кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажми ўсганлиги боис экспорт кўрсаткичлари ҳам ортди, — дейди корхона раҳбари Валижон Файзиев. — Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 535 минг долларлик маҳсулотни четга сотишга эришилди.

Ҳозир ойига 3 минг тоннадан зиёд маҳсулотни экспортга йўналтираётган мазкур корхонада 50 нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Шу йилнинг 22 — 26 сентябрь кунлари мамлакатимизда "InfoCom — 2014" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтади. Шу муносабат билан кеча пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида мазкур тадбир олдидан матбуот анжумани ташкил этилди.

АКТ ҳафталиги

олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди

Тегишли давлат идоралари вакиллари, ахборот-коммуникация технологияларида фаолият юритувчи корхоналар масъул ходимлари ҳамда журналистлар қатнашган ушбу тадбирда таъкидланганидек, ўзинича бор ўтказилаётган ҳафталик мамлакатимизда АКТ соҳасининг жадал ривожланаётгани, ҳаётимизга илгор техника воситалари тез суръатда кириб келаётгани ҳамда айни шу жараёнда мазкур замонавий воситалардан самарали фой-

даланаётганимизни яққол намоён қилади. Ҳафталик Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлар ассоциацияси томонидан уюштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ



Иқтисодий ночор ҳамда паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш саноатни изчил ва босқичма-босқич ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда мазкур йўналишда кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилаётир. Пировардида жойларда йирик саноат тузилмалари фаолияти қайта тикланиб, улар негизда импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Истиқлол йилларида бу каби йирик корхоналар қувватларини қайта тиклаш осон кечгани йўқ. Мана, бугун "Жиззахпластмасса" акциядорлик жамиятида бу борада залворли қадамлар ташланмоқда. Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 июнда қабул қилинган "Республиканинг кимё саноати ва ёқилги-энергетика комплексининг зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарини молиявий-иқтисодий соғлом-

лаштириш бўйича дастурлар — "йўл хариталари"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Ана шу асосда акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни чуқурлаштириш, самараларни ортиқлаштириш ва рақобатдошлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олингани диққатга сазовардир.

(Давоми 2-бетда).

Хусусан, Жиззах пластмасса заводи мустабид даврда "режали иқтисодий"нинг маҳсули сифатида вужудга келган эди. Зеро, қарийб 19 гектар майдонни эгаллаган мазкур йирик мажмуа Жиззах воҳаси учун

гигант корхона ҳисобланиб, уни кўзда тутилгани каби режа асосида ривожлантириш жуда мушкул жараён саналарди. Қолаверса, ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиш учун ҳам ашё собиқ иттифокнинг

турли бурчакларидан ташиб келтирилган, бундан кўзланган мақсад эса Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг ўз саноатини тўлақонли ривожлантиришига имкон бермаслиқдан иборат эди. Шу боис ҳам

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказини ташкил этишга оид масала кўриб чиқилди.

САЙЛОВ — 2014

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарган йиғилишда сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, уни юқори савияда ўтказиш ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик масала эканлиги таъкидланди.

Айниқса, бу жараёнда ошқораликни таъминлаш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига, мамлакатимизнинг демократия йўлида янада тараққий этишига хизмат қилади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисида сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича республика матбуот марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

Оила даромади — фаровон турмуш асоси

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек, "Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодий таъкидлангани, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошганининг далили бўлмиш одамларимизнинг жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани юртимизнинг қисқа даврда кечаги, ўзини боқишга қурби етмаган республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий давлатга айланганининг яққол тасдиғидир".

ШАРҲ

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Ўзбекистонимиз иқтисодийётида кўлга киритилган барқарор ўсиш суръатлари халқаро миқёсда юксак эътироф этилиб, унинг асоси бўлган ривожланишнинг "ўзбек модели" ҳар томонлама чуқур ўрганилапти. Зотан, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли исло-

ҳотлар, энг аввало, олий кадрият ҳисобланган инсон ва унинг манфаатларига қаратилганки, бунинг самараси аҳолининг турмуш даражаси ҳамда сифати тобора юксалиб, юртимиз қиёфаси ўзгача чирой очиб бораётганида ёрқин намоён бўлмоқда.

Одамларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзи уларнинг оилавий шароит-

ларида акс этади. Шу жиҳатдан олганда, бугун юртдошларимизнинг кундалик эҳтиёж учун муҳим бўлган нарсалар — тураржой ва уй-рўзгор буюмлари ва талаби ортса ортаептички, асло камаймаяпти. Хонадонларни музлаткич, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобил телефони каби замонавий маиший техника воситала-

ри билан таъминлаш даражаси муттасил ошиб бораётганининг боиси ана шунда. Айниқса, сўнгги йилларда аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган энгил автомобиллар билан таъминланиши даражаси ўсгани эътиборлидир. Агар 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўртача 20 та энгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етди.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан энгил автомобилга эга. Бу кўрсаткичларнинг барчаси оилалар даромадлари қанчалик ошиб бораётгани ва ундан нечоғли самарали фойдаланаётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

ОСИЁ ҲАҲТИРАСИ — 2014

Жанубий Кореянинг энг гўзал шаҳарларидан бири — Инчонда XVII Осийё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлди.

ОСИЁ ҲАҲТИРАСИ БОШЛАНДИ

ИНЧОН. 19 сентябрь. ЎЗА махсус муҳбири Меҳрибон МАМЕТОВА хабар қилади.

Спорт ишқибозларининг Осийё ўйинларига бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бораётир. Ушбу спорт беллашувлари мамлакатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаб, қитъамизда спорт нечоғли ривожланиб бораётганини ифода этади. Осийё Олимпия кенгаши шафелигида ўтказиб келинаётган мазкур муҳим мусобақага Корея Республикаси учинчи бор мезбонлик қилмоқда. Осийё ўйинлари 1986 йили Сеулда, 2002 йили Пусанда бўлиб ўтган эди. Жорий йилда XVII эъги Осийё ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини машҳур порт шаҳар — Инчон кўлга киритди. Бу ерда Осийё қитъасининг 45 мамлакатидан 13 мингдан зиёд спортчи ва делегация аъзоларини қабул қилиш учун кенг қўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилган.

Инчон шаҳридаги марказий стадионда очилиш маросими тантаналари бошланди. Маросимнинг энг ҳаяжонли ва қизиқарли қисми — бу мусобақа-

ларда иштирок этадиган мамлакатлар спорт делегацияларининг парадидир.

...Марказий стадионда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини баланд тутган машҳур спортчимиз — Олимпия ўйинларининг икки карра совриндори, икки карра жаҳон чемпиони, Осийё ўйинлари голиби, дзюдочи Ришод Собиров қириб келади. Байроғимиз ортидан одимлаётган спортчи қизларимиз, аллкомат йигитларимиз орасида нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз доверғини ёётган чарм қўлқop усталари М. Абдуллаев, Х. Дўстматов, О. Мамазулов, дзюдочилар Д. Чориев, С. Қурбонов, Н. Жўрақобиллов, М. Фармонов, оғир атлетикачилар У. Алимов, Р. Нурудинов, энгил атлетикачилар И. Зайцев, А. Свечникова, С. Раҳимов, сузувчилар А. Дерлюгов, Р. Аманова, Ю. Кўчқорова, теннисчилар Д. Истомин, Ф. Дўстов, О. Омонмуродова ва бошқалар бор.

(Давоми 2-бетда).

Ободлик, азму шижоат, эзгу мақсадлар

Мамлакатимизнинг "Жанубий дарвозаси", меҳнаткаш, фидойи эли билан танилган Сурхондарё вилояти ҳақида сўз айтилганда, унинг бой тарихи билан бирга, истиқлол йилларида Термиз шаҳри ва вилоят миқёсида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари — замонавий иншоотлар, тураржойлар, кенг ва раван йўللар, сўлим хиёбонлар кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, сурхондарёликларнинг азму шижоати, эзгу сый-ҳаракатлари туфайли қишлоқ ва шаҳарлар кундан-кун обод бўлиб, қайта тикланган тарихий обидаларимиз сайёҳларни ўзига жалб этмоқда.



УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

2015 йил учун катта илмий ходим-изланувчилар институтига куйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

- 01.01.01 — Математик анализ — 1 ўрин.
- 02.00.07 — Композицион материаллар кимёси ва технологияси — 1 ўрин.
- 06.01.08 — Ўсимликшунослик — 1 ўрин.
- 07.00.01 — Ўзбекистон тарихи — 1 ўрин.
- 08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари ихтисодиёти — 1 ўрин.
- 08.00.12 — Минтақавий ихтисодиёт — 2 ўрин.
- 09.00.04 — Ижтимоий фалсафа — 1 ўрин.
- 10.00.02 — Ўзбек адабиёти — 1 ўрин.
- 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент — 1 ўрин.
- 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва босқичлари бўйича) — 1 ўрин.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратура дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ёки

Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябрга қадар қабул қилинади.
Манзил: Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй.
Маълумот учун телефон: (+99891) 916-45-62.

Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;

- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ҳамда илмий-амалий конференция, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатларининг нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этишда.

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

2015 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар бўйича мустақил изланувчилик институтига киришга танлов эълон қилади:

- 14.00.09 — «Педиатрия» — 1 ўрин.
 - 14.00.35 — «Болалар хирургияси» — 2 ўрин.
- Талабгорлардан ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябрга қадар қабул қилинади.**
 Кириш имтиҳонлари 2014 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

Мустақил изланувчилик талабгор куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- ариза;
- иш жойидан тавсифнома;

Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой, Талант тор кўчаси, 3-уй, РИПИАТМ.

«КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

● Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ Мирзо Улугбек тумани судининг 2013 йил 26 февралдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Хусайн Бойқаро 1-тор кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 895,0 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 461,49 кв.м., биноларнинг умумий фойдаланиш майдони 370,0 кв.м., тураржой майдони 122,0 кв.м.дан иборат бўлган уй-жой (ховли) куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 280 005 437 сўм.

Аукцион савдосига 2014 йил 22 октябр куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «Ко'р тармоқи ко'снмас мулк савдо» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

● Аукцион савдосига:

1. Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2014 йил 29 майдаги 10-1410/4561-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 15-қават, 72-«Б» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 494,0 кв.м., бинонинг майдони 442,0 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони ва новвойхона биноси куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 700 000 000 сўм.

Аукцион савдосига куйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлиши вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг ХАТБ «InfInBANK» Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000600250595001, МФО: 01041, СТИР: 302681189. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 88-уй, 811-хона. Телефонлар (8-371) 249-54-59, 249-58-61.

Хизматлар лицензияланган.

РЕЕСТР 19-03-22-05-ЎЗР-85-2014 ТАБИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР

2014 йил 1 октябрдан жорий этилади.

УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

- Ушбу прејскура тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир.
- Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда, газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.
- Истеъмолчи(абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситкич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.
- Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй(квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прејскурадан белгиланган тариф бўйича тўланади.
- Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшётганлар ҳам ҳисобга олинади.
- Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлақлар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.
- Прејскуранинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.
- Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.
- Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43 м³/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажм учун эса бир ярим баробар миқдорда тўланади.
- Автоном сув иситкич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ҳамда оранжерияларни иситиш, яқна тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улғуржи истеъмолчилардан белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кеаюу кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.
- Ушбу прејскуранинг «Умумий кўрсатмалар»и, агар қўшимча прејскурадан бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прејскура тарифларга ҳам тегишлидир.
- Маъмур чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2014 йил 17 март, реестр № 19-03-22-05-ЎЗР-10-2014) нархлар ўрнига 2014 йил 1 октябрдан жорий этилади.

1. АҲОЛИ ТОМОНИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР *)

Т/р	Номи	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги тарифи (сўм)
1.1	Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	1 816,20
1.2	Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ: овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун иситиш учун	"-"	10 м³	3 140,85
		"-"	10 м³	1 456,60

2. ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ ЙЎҚ ҲОЛАТДА КОММУНАЛ-РЎЗГОР ЭҲТИЁЖЛАРИГА ИШЛАТИЛАДигАН ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР (ГОСТ 5542-87)

Т/р	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўловлар	
			Йиллик *)	Ойлик
2.1	Марказий (яқна) иссиқ сув таъминоти бор уйларида овқат пишириш газ плиталари	Бир яшовчидан 11,0 м³	41 459,40	3 454,95
2.2	Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларида овқат пишириш газ плиталари	"- 15,0 м³	56 535,60	4 711,30
2.3	Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйлари иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситкичлар	"- 16 м³	60 304,20	5 025,35
2.4	Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига:	Иситиладиган хонанинг 1 м³ учун	Хонанинг 1 м³ учун 6,0 м³	873,95
			Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда	4 195,00
2.5	Дағал ва илдизмеваги озқаларни буглаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда, ҳайвонларга озқа тайёрлаш	отга 5,6 м³ сигирга 23,7 м³ қўй (эчки)га 2,2 м³ чўчага 12,5 м³	21 106,80	1 758,90
			89 325,60	7 443,80
			8 292,00	691,00
			47 112,60	3 926,05

*) Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

«VIP REAL ESTATE» МЧЖда 2014 йил 21 октябр куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 23 июлдаги 5135, 7538/16-сонли ижро варақасига асосан, Зангиота тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бўзсув» ҚФЙ, Ботир маҳалласида жойлашган, умумий майдони 21738,24 кв.м., шу жумладан, қурилиш ости майдони 8028,41 кв.м. бўлган чорвачилик мажмуаси куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 457 990 000 сўм.

Маъмур кўчмас мулк сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 5 ноябрь куни соат

12.00 да ўтказилади. Кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг ХАТБ «InfInBANK» Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000600250595001, МФО: 01041, СТИР: 302681189. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (8-371) 177-96-74.
 Хизматлар лицензияланган.

“ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ” ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун

Курилиш техникаси

Махсус транспорт

Курилиш асбоблари

Кичик механизация воситалари

Технологик жиҳозлар

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли даражада тежаш имконига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

Лизинг 1 йилдан 5 йилгача

Ижара 1 йилгача

- МАВЖУД ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ:
- ҚУВУР ЁТКИЗГИЧ “PipeLineMan PMGY-70”;
 - АВТОБЕТОН АРАЛАШТИРГИЧ “НОВО” (ҲАЖМИ 8 м³).
- ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:
- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
 - РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛЛАРДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛГАЛАР (ОТБОЙНЫЕ МОЛОТКИ);
 - ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ТЕБРАТКИЧЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.



Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-“А” уй.

www.qurilish-lizing.uz

E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулотлар сертифицикатланган

Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-51-04, моб.: (+99890) 189-95-41, 958-61-61. Тел./факс (8-371) 250-51-04

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик жамияти шаклидаги «O'ztransgaz» акциядорлик компанияси

2007 йилнинг 31 май ҳолатига компаниянинг акциядорлари ўртасида қўшимча равишда чиқариладиган оддий акцияларнинг жойлаштирилишини маълум қилади.

Қўшимча оддий акцияларни олиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва шартнома тузиш учун сиз «Нефтьгаздепозит» МЧЖга 2014 йил 15 ноябрга қадар куйидаги манзил бўйича мурожаат этишингиз лозим:

Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 26/1-уй.

Мўлжал — UzGazOil (бош офиси), Халқ банкнинг Миробод тумани филиали.

Ўзингиз билан паспорт ва СТИР рақами, акциядор вакили эса нотариус томонидан тасдиқланган ишончномани олиб келиши сўралади.

Иш тартиби — шанба ва яқшанба кунларидан ташқари, ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача.

Алоқа учун телефонлар: (8-371) 129-77-99, (+99890) 918-49-29. Сайт: www.uztransgaz.dst.uz

«O'ztransgaz» АК бошқарувининг маълумот учун телефони: (8-371) 239-12-10.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрамда Президентимиз Ислам Каримов "Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган ҳаётий мулоҳазага алоҳида урғу бердилар. Дарҳақиқат, айни дамда ҳар бир юртдошимизнинг турмуш тарзи, уларнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишларни кузатиб, йиллар давомида босиб ўтган йўлимиз, чиндан ҳам, ҳавас ва ҳайратга арзийди, деб бемалол айта оламиз. Ҳар бир ҳамюртимизнинг тақдирига дахлдор ўзгаришлар туфайли бугун ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда яшаймиз, ишлаймиз. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган тараққиётнинг "Ўзбек модели" халқаро миқёсда ҳам тан олинди, эътироф этилмоқда.

Эътибор, эътироф, эҳтиром

салга солиб келинган. Масалан, ўтган асрнинг 80-йиллари давомида бор-йўғи 6372 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 18 та мактаб қурилган, ҳоло.

Шу туфайли Юртбошимиз ташаббуси билан 1991 — 2003 йилларда республика-миз барча ҳудудда 1 млн. 893 минг ўқувчи мўлжалланган умумтаълим мактаблари ҳамда 152,8 минг ўринга мўлжалланган мактабга таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қолаверса, таълим-тарбия соҳасининг мамлакат келажагини барпо этишдаги гоят муҳим аҳамияти инобатга олинди, Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги "2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур дастур доирасида 2004 — 2009 йилларда республика бўйича 3 млн. ўқувчи ўринли 8501 мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Гарчи Давлат дастурига қараб олинган барча вазифалар ўз вақтида ва ортиги билан бажаририлган бўлса-да, мамлакатимизда умумтаълим мактаблари қурилиши ва обод этилиши билан боғлиқ ишлар мунтазам давом эттирилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг ўзида 381 умумтаълим мактаби

реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусика ва санъат мактаби, 112 та болалар спорт объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ҳамда инвентарлар билан жиҳозланди. Усиб келаятган эътибордан баҳраманд бўлаётган хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини ошириш максатида ўтган йилдан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими жорий қилинди. Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича мультимедиа варианты илова қилинган, 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди. 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг ки-

шига етди. Бу эзгу ишларнинг барчаси Юртбошимизнинг "Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар — менинг болаларим, менинг фарзандларим!" деган эзгу сўзлари ҳаёда яна бир бор ўз тасдиғини топганига амалий далил бўла олади. — Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, таълим тизимига эътибор қаратиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди пойтахтимизнинг Чилонзор туманига қарашли 90-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Бахтиёр Каримов. — Президентимизнинг бундай ғамхўрлигини теран англаш, ўғил-қизлар қалбиди

авайлаш, китобни қадрлаш, чин дидан илм олишга ундамоқликдир. Зеро, ёш авлоднинг қомил инсон, эл-юрт қорига ярайдиган мутахассислар этиб тарбиялаш биз, ўқитувчи ва мураббийлар учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. — Биз Ўзбекистон фуқаролари эканлигимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди Фаргона вилоятининг Бувайда туманидаги 21-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Муқаддасхон Аҳмадалиева. — Чунки бугун яхши ашаш, фойдодлик кўрсатиб ишлаш учун барча шарт-шароит яратилган. Соҳамиздан келиб чиқиб айтишдан бўлса, кўриб турибмики, энг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳам замонавий мактаблар қад рост-лаяпти. Ўқитувчи ва мураббийлар

мехнати ҳеч қачон бугунгидек юксак қадрланмаган, эъзозланмаган. Масалан, мен оддий бир қишлоқ ўқитувчисиман. Ишимни яхши кўраман, болаларнинг қадрлайман. Ўз устимда тинмай ишлашдан роҳатланаман. Бахтимни қарангки, истиклолимизнинг йиғирма уч йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига мурофиқ, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан тақдирландим. Бу унвон нафақат бошимиз кўкка етади. Беихтиёр, ўзимнинг болалик даврим ва бугунги авлодга яратиб берилган шарт-шароитни таққослаб, "Мўъжиза-ку булар", дейман ўзимга ўзим. Нокамтарлик бўлса-да, айтаман: истиклолимизнинг 23 йиллик шодиевалари арафасида Президентимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" деган юксак унвонга мушарраф бўлдим. Бундай эъзоз ғайратимга ғайрат, кунимга куч этди. Мақсадим, фарзандларимизни истиклолнинг мухташар мактаб биноларини асраб-



уйида тинч этиб туришни ўйлайди. Бизда эса нафақат ёш авлодга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда, шу билан бирга, уларнинг тарбиясига масъул бўлган ўқитувчи ва мураббийлар мехнати ҳам муносиб қадрланмоқда. Буларнинг бари тинч ва осуда замон шарофатидандир. Бинобарин, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Урта асрлар Шарқ алломили ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда таъкидлаганидек, тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Каерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртилари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равақ топиб, унга қизиқиш, эътибор қучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси уйкуга этиб, эрталаб туришга қўрқмайдиган, эртанга уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Сугорилишнинг илгор технологияси

Тошкент ирригация ва мелiorация инсти-тутининг Бухоро филиали ўқув илмий марказидаги экинзорларда сугорилишнинг замонавий технологияларини кўллаш сув сарфини кескин камайтириш имконини бермоқда.

Марказнинг бир гектар майдондаги тоқозор ва икки гектарли интенсив боғида томчи-латиб сугорил қурилмалари ўрнатилди. На-тижада сув сарфи 20 фоиздан 50 фоизгача қисқарди. Одатда томчи-латиб сугоришда тиндирилган тоза сувдан фойдаланилади. Филал марказида эса лойқа оқар сувни тиндирмасдан томчилатиб сугориш технологияси жорий этилди. Даст-лабки ҳисоб-китоблар ҳам бу усул ўзини оқла-ганини кўрсатмоқда. Негаки, сувни тозалаш учун кетадиган вақт ҳам, маблағ ҳам тежаб қолинади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Сирдарё иссиқлик электр станцияси қозонларига узатила-ётган газнинг мейёр-дан ортиқ босимдан унумли фойдаланиш орқали яна 15 мега-ватт-соат ток ҳосил қилинмоқда.

Ортиқча босимдан қўшимча электр энергияси

Гап шундаки, стан-циянинг бу қозонлари 1,8 килограмм санти-метр квадрат босим-даги ёнилги талаб эта-ди. Қувурлардаги газ босими эса 10 кило-грамм сантиметр квад-ратдан 13 килограмм сантиметр квадратга-чани ташкил қилади.

Айтиш керакисиз босим-ни йўқотиш учун мах-сус мувофиқлаштирув-чи қурилмалардан фойдаланилар эди. Эндиликда ҳориждан келтирилган турбодет-андер ускуналари ту-файли бир вақтнинг ў-зида босим керағича пайсатирилиб, унинг ортиқча босимдан элек-тр энергияси олинмоқда.

— Ҳозир 3 та тур-бодетандер ишлаб ту-рибди, — дейди "Сир-дарё ИЭС" очик акция-дорлик жамияти бир-ламчи ишлаб чиқариш техник бўлими бош-лиги Ортиқбой Хайрул-лаев. — Уларнинг ҳар бири 5 мегаватт қувватда электр токи ишлаб чиқармоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоблашича, станция-да йўлга қўйилган ушбу муқобил энергия манбаида ишлаб чиқарилаётган электр қу-ватини 360 мингтадан зиёд 40 ваттли лампоч-кани ёритишга етади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон "Ўзком-мунхизмат" агентлиги жамоаси қалдар бўйича бош мутахассис Дилором Мағзумовага падали бузруквори Аҳмад ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият инсти-туту ректорати ҳамда жа-моаси Ўқув бўлими бош-лиги Абдураул Ҳўрзовга падали бузруквори НОРБЎЙ отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Миллий таомлар фестивали

Ҳар бир халқнинг урф-одатлари, анъана ҳамда маросимлари, шу билан бирга, миллий таомлари ҳам алоҳида жозибаси ва хусусия-тига эга. Пойтахтимизда Ватанимиз муста-қиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказил-ган "Тасанно — 2014" миллий таомлар фестивалида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

«ТАСАННО — 2014»

Фестиваль Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамия-тлари кенгаши томони-дан юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда миллий маданият марказлари билан ҳамкор-ликда ташкил этилди. Унда дипломатик миссия-лар ва халқаро ташкилот-лар ходимлари, дўстлик жамиятлари вакиллари ҳамда чет эллик меҳмон-лар қатнашди.

Ўзбекистонга ик-кинчи бор келишим, — дейди айни пайтда мамлакатимизда меҳ-мон бўлиб турган Ҳон Султонлиги Вазирлар Маҳкамаси Миллий девонхонаси раиси Ҳамад бин Муҳаммад ал-Давяний. — Бу му-қаддас юртининг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида биламан. Айниқса, ўзбекларнинг меҳмон-дўстлиги, барқиренглиги ва олижаноблиги жаҳон-га машҳур. Ширин-шакар ноз-неъматлари, миллий таомларини бир тортган киши яна қўм-сайди.

Танлов якунида Ҳон Султонлиги элчихонаси ва-кили Гран-прига сазовор бўлди. Биринчи ўринга Корея Республикаси, ик-кинчи ва учинчи ўринларга эса Миср ҳамда Ҳиндистон элчихоналари ходимлари муносиб кўрилди.

Дилмурод СОДИҚОВ.



Кичик ҳовузлардан катта барака



Деновлиқ тадбиркор Салимжон Ҳамидов балиқнинг қлариас турини кичик ҳовузларда парваришлаб, яхшигина даромад олмақда.

ИЗЛАНИШ

Тадбиркорнинг ҳисоб-ки-тобига қараганда, бир кубо-метр сувда ушбу турдаги ба-лиқдан ярим тоннагача маҳ-сулот етиштириш мумкин. — Кўпчилик торғина бас-

сий қисмини сувдан эмас, ҳаводан олади. Боси, у ҳу-ди китларга ўхшаб, оғзини сувдан чиқариб нафасга тўйнади. Шу сабабли бу турдаги балиқлар сувдаги кислородга эҳтиёж сезмайди. Унинг вази уч ойда бир килограммгача етади. Яна бир хусусияти шундаки, қлариас асло сув танламайди.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК 2014 йил 1 октябрдан бошлаб электр энергияси тарифлари оширилишини маълум қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 2014 йил 15 сентябрдаги 19-03-22-05-ЎЗР-87-2014-сонли реестри

ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ УЛГҲРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ҚОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! «ЎЗТРАНСТАЗ» АКЦИАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 15 сентябрдаги 19-03-22-05-ЎЗР-86-2014-сонли нарх-ларни рўйхатга олиш реестрига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси улгҲржи истеъмоличарига (шу жумладан, иссиқлик таъминоти қорхоналарига) етказиб бериладиган табиий газ нархи 2014 йил 1 октябрдан ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, 1000 куб метри учун 181 620 сўм қилиб белгиланди.

Ўзбекистон спорт делегацияси XVII Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрига етиб келди. Бу ерда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилди.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛҲИМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Ю. Бурунов. Мусахҳиҳ — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5

WWW.XS.UZ